

**Т.Т.Жўраев, ТМИ**  
**“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори,**  
**Н.Б.Тураев, ТМИ магистранти**

## **МЕВА-САБЗОВОТ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КЛАСТЕР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада мева-сабзовот тармоғини ривожлантиришнинг кластер тизимини такомиллаштириш устувор йўналишлари билан боғлиқ жараёнларнинг назарий асослари, мева-сабзовот тармоғи фаолиятини ривожлантириш имкониятлари билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган.

**Аннотация.** В исследовании рассмотрены теоретические основы процессов, связанных с приоритетными направлениями развития кластерной системы развития плодоовощной сети, процессами, связанными с развитием плодоовощной отрасли.

**Annotation.** The study examined the theoretical foundations of the processes associated with the priority directions of development of the cluster system for the development of the fruit and vegetable network, processes related to the development of the fruit and vegetable industry.

**Калит сўзлар:** стратегик ривожланиш, инновация, ҳудудий ихтисослашув, тизимли таҳлил, диверсификация, агрокластер тизими, мева-сабзавот кластери, нарх конъюнктураси.

**Key words:** strategic development, innovations, regional specialization, structural analysis, diversification, agro-cluster system, fruit and vegetable cluster, price conjuncture.

**Ключевые слова:** стратегическое развитие, инновации, региональная специализация, структурный анализ, диверсификация, агрокластерная система, плодоовощной кластер, ценовая конъюнктура.

### **КИРИШ**

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ривожланишининг амалдаги ҳолатини баҳолашда, унинг аҳоли бандлигини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва ялпи ички маҳсулотда давомли ўсиш суръатларини таъминлашдаги ўрни билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилиш орқали ёндашувни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, соҳа фаолиятида инновацион ва илмий ёндашувларни амалга оширилиши ва унинг тегишли самараси мазкур соҳани стратегик ривожланиш асосларини шакллантириш учун хизмат қилади.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг умумий ҳажми 199 537,4 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 100,3 фоизни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 193 703,3 млрд. сўмни (100,2 фоиз), ўрмон хўжалигида – 4 757,5 млрд. сўмни (103,1 фоиз), балиқ хўжалигида – 1 076,6 млрд. сўмни (113,8 фоиз) ташкил қилди[7].

Қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш доирасида тизимли чоратадбирларни амалга оширилиши, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этишга йўналтирилган фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун хизмат қилди. Ҳозирда мазкур хўжалик дорасида жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 27,3 фоизи ишлаб чиқарилгани ҳолда, бошоқли дон экинларининг 78,7 фоизи, картошканинг 10,9 фоизи, сабзовотларнинг 24,2 фоизи, полиз маҳсулотлари-нинг 38,3 фоизи, мева ва резаворларнинг 35,2 фоизи, узумнинг 43,3 фоизи[7] етиштирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг кўп тизимли таҳлил натижалари бу борада эришилаётган ютуқларнинг асоси бўлиш билан бирга, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ривожланишининг потенциал имкониятлари мавжуд эканлигини кўрсатади. Хусусан, иқтисодийни модернизациялаш шароитида хўжалик фаолиятини диверсификациялашнинг анъанавий тизимини фаолият соҳалари бўйича кенг қўлланилиши мумкин эмас. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик таҳлил натижалари соҳада миллий ва минтақавий ривожланиш талабларига жавоб берадиган инновацион ва инвестицион имкониятлардан фойдаланиш даражасини тадқиқ этишни талаб этади. Бу борада амалга оширилаётган тадқиқотларнинг амалий натижалари қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, агросаноат тармоқлари фаолиятини инновацион ва инвестицион фаоллигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ва саноат интеграциясини таъминлашнинг потенциал имкониятларидан фойдаланиш жараёнларини такомиллаштириш учун хизмат қилади.

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг тизимли таҳлиliga асосланган тадқиқотлар хорижлик иқтисодчи олимлар И. Ансоффа, Р. Акоффа, Дж. Гэлбрейта, О. Иншакова, Л. Канторовича, Дж. Кейнса, Г. Кржижановского, В.Безрыкова, В. Дудкина, Е. Иванова, Р. Ильиной, Л. Йохансена, В. Назаренко, Н. Оксанич, И. Ушачёва, В. Хлынова ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг инновацион ва инвестицион самарадорлигини оширишга бағишланган тадқиқотлар мамлакатимиз иқтисодчи олимларида Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова,

Ш.А.Турсунов[3], А.Абдуғаниев[4], А.М.Жўраев, Р.Х.Хусанов[5], Махмудова Г.Н[6] ва бошқалар томонидан олиб борилган. Аммо, қишлоқ хўжалиги ривожда кластер тизимининг ўрни борасида инновацион ёндашувлар, кластер тизимининг қишлоқ хўжалиги қайта ишлаш соҳасида интеграциясини таъминлашдаги ўрни, тармоқ рақобатбардошлигини оширишга таъсири билан боғлиқ масалалар тизимли тартибда тадқиқ этилмаган.

## **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси бу борада иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатларни ўзида комплекс тартибда қамраб олган қўллаб-қувватлаш чораларини бирлаштириш орқали намоён бўлади. Бу каби чора-тадбирлар тизими қишлоқ хўжалигининг транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, маркетинг имкониятларини кенгайтириш, маҳсулотларни қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар тузилмасини шакллантириш имкониятини беради. Айниқса, соҳа фаолиятини модернизациялаш ва диверсификациялашга кенг имконият яратувчи кластер тизими бу борадаги чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида муҳим ўрин тутди.

Агрокластерлар қишлоқ хўжалигининг давлат – илмий-тадқиқот – қайта ишлаш – бизнес каби субъектларнинг ўзаро бозор тамойилларига мос муносабатларини мужассамлаштиришга имконият беради. Улар уч хусусиятга асосланади, яъни:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий ихтисослашув ва маҳаллийлаштириш;
- тармоқнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни таъминлаш;
- турли тармоқлар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологик ўзаро алоқаларни шакллантириш.

Агрокластернинг маркази стратегик ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома асосида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари (фермер ва деҳқон хўжаликлари), илмий-тадқиқот муассасалари, турли хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари, маҳсулотларни сотиш, реклама қилувчи маркетинг хизматини ўз атрофида бирлаштирган қайта ишловчи корхоналар бўлиши мумкин.



*1-расм. Агрокластер тизимининг шаклланиш механизми.*

**Манба:** Муаллифлар тадқиқот натижалари асосида шакллантирилган

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида агрокластерлар тизимини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилинган бўлиб, бу борада ташкилий чора-тадбирларни амалга оширишда шу жумладан, соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, маҳсулот етиштиришнинг инновацион усуллари яратиш, уларни чуқур қайта ишлаш ва экспорт қилиш йўналишларида ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Шу билан бирга, ўрганишлар пахта, ғалла, мева-сабзавот ва бошқа йўналишлардаги кластерлар фаолиятини самарали йўлга қўйишда ўз ечимини кутаётган тизимли муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентга Мурожаатномасида қуйидагича тўхталиб ўтган эди: «Кейинги йилда кластер усулида пахта етиштиришни камида 52 фоизга етказиш учун 48 та пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу билан бирга, ғалла ва мева-сабзавот кластерлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш керак. Бу соҳа биз учун нисбатан янги эканини инобатга олиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жумладан, кредит тизимини соддалаштириш, харажатларни субсидиялаш, ер ажратиш билан боғлиқ тартибларни қайта кўриб чиқиш талаб этилади»[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 октябрдаги «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3978-сонли Қарори мамлакатимизда мева-сабзавот тармоғини ривожлантиришнинг кластер тизимини такомиллаштириш мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтириш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг тўлақонли ривожига тўсқинлик қилаётган

говларни бартараф этиш, экспорт фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини такомиллаштириш, шунингдек, маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришнинг комплекс тизимини ташкил этишга асос яратади. Ушбу қарорда ташқи бозорларда мева-сабзавот маҳсулотларининг нарх конъюнктурасини тизимли асосда ўрганиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчиларга асосий сотиш бозорлари бўйича таҳлил натижалари ва прогнозларини, хусусан, нарх конъюнктурасининг ўзгаришларини[1] комплекс тадқиқ этишнинг институционал асослари шакллантирилган бўлиб, белгиланган чора-тадбирларнинг амалий ижроси мева-сабзавот соҳасидаги мавжуд муаммоларни тизимли тартибда бартараф этиш имкониятини беради.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Мева-сабзавот тармоғини ривожлантиришнинг кластер тизими кластерлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини яратиш билан бирга, уларни қўллаб-қувватлаш механизмлари, мева-сабзавотнинг барча соҳаларида кластер усулини кенг татбиқ этиш чораларини белгилаш, кластерларни кредитлаш тизимини соддалаштириш, ер ажратиш билан боғлиқ тартибларни такомиллаштириш, боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-чилик кластерларни шакллантириш имкониятларини тадқиқ этишни талаб этади.

Мазкур йўналишларда шакллантириладиган чора-тадбирлар тизми куйидаги вазифаларни тизимли асосда ташкил этишни талаб этади:

- мева-сабзавот кластерларига ички ҳамда ташқи бозордаги эҳтиёж ва тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, маҳсулот етиштириш ҳажми, уларнинг нави ва турини белгилаш;
- фермер ва деҳқон хўжаликлари билан улар томонидан тайёрланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқини тақдим этиш;
- экспортга йўналтирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг турлари, ҳажмлари, суммаси ва етиштириш ҳудудлари кесими тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш;
- қишлоқ хўжалигида мева-сабзавот уруғчилик тизимини ривожлантириш-нинг моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш;
- селекция ютуқлари учун ихтисослашган инновацион марказлар фаолиятини ташкил этиш орқали соҳанинг инвестицион ва инновацион фаоллигини ошириш;

- қишлоқ жойларидаги асосий иш берувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳисобланган фермер хўжаликлари доирасида интенсив боғлар фаолиятини ташкил этиш йўналишларини шакллантириш;
- мева-сабзавот соҳасини ривожлантиришнинг биотехнологик тизимини шакллантириш орқали ҳудудий имкониятлардан тизимли фойдаланиш;
- Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилаётган уруғлар, кўчатлар, минерал ўғитлар, ўсимликлар учун импорт имтиёзлар тизимини шакллантириш ва бошқалар.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 октябрдаги «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадор-лигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3978-сонли Қарори
2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентга Мурожаатномаси. <https://kun.uz/99444746>
3. Д.Н.Саидова, И.Б.Рустомова, Ш.А.Турсунов. “Аграр сиёсат ва озиқ-овкат хавфсизлиги”. Ўқув қўлланма. Т.: “ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмахонаси нашриёти, 2016. –75 б.
4. А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: Адабиёт жамғармаси. 2007. – 340 б.
5. А.М.Жўраев, Р.Х. Хусанов. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы –Т.: Узбекистан, 2002. – 766 с.
6. Махмудова Г.Н. Аграр соҳани инвестициялаш самарадорлигини ошириш йўналишлари. и.ф.н. илмий дар. ол. учун дисс. автореферати. – Т., 2010.- 24 б
7. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари.